



## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ МИСОЛИДА)

**Холматова Нодирахон**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0008-2356-7073

[nodirahonholmatova74@gmail.com](mailto:nodirahonholmatova74@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, хусусан унинг асосий шакли бухгалтерия балансини тузишга бўлган иқтисодчи олимларнинг ва мутахассислар томонидан берилган назарий ёндошувлар ҳамда уни амалий жиҳатдан тузиш услубиёти келтириб ўтилган. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида бухгалтерия балансини шакллантириш, унинг моддаларини баҳолаш ва балансни тузишга қўйилган асосий қоидалар ҳамда муҳим тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** халқаро стандартлар, бухгалтерия баланси, узоқ муддатли активлар, айланма активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар.

## ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ (НА ПРИМЕРЕ БУХГАЛТЕРСКОГО БАЛАНСА)

**Халматова Нодирахон**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье представлены теоретические подходы экономистов и специалистов к совершенствованию финансовой отчетности на основе международных стандартов, в частности, ее основной формы – бухгалтерского баланса, а также методологии его практического составления. Также разработаны научные предложения и рекомендации, направленные на совершенствование основных правил и важных принципов формирования бухгалтерского баланса, оценки его статей и составления баланса в соответствии с требованиями международных стандартов финансовой отчетности.

**Ключевые слова:** международные стандарты, баланс, долгосрочные активы, оборотные активы, частный капитал, обязательства.

## CHALLENGES IN IMPROVING FINANCIAL REPORTING (BASED ON THE EXAMPLE OF THE BALANCE SHEET)

**Kholmatova Nodirakhan**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article presents the theoretical approaches given by economists and specialists to the improvement of financial statements based on international standards, in particular, its main form of accounting balance sheet, as well as the methodology of its practical preparation. Also, scientific proposals and recommendations aimed at improving the main rules and important principles of the formation of the accounting balance, evaluation of its items and the preparation of the balance sheet based on the requirements of the international standards of financial reporting have been developed.

**Keywords:** international standards, balance sheet, long-term assets, current assets, private capital, liabilities.

### Кириш.

Жахонда юз бераётган глобаллашув жараёнида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС)нинг аҳамияти ва уларнинг зарурияти янада ортиб борди. Ўз навбатида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этилиши, турли мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни амалга оширилиши натижасида амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 15 сентябрдаги 282-сонли “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган устивор вазифаларни амалга ошириш муҳим заруриятга айланган. Бугунги кунга келиб бир қатор бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС), айнан балансни тузишга, яъни молиявий ҳисоботларни тақдим этишга қаратилган миллий стандартлар халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилмоқда. Натижада амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқиб амалиётдаги номувофиқликлар бартараф этилди, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тили талабига мувофиқ тўлиқ қайта кўриб чиқилди ҳамда жами бухгалтерия ҳужжатлари янги таҳрирда ишлаб чиқилиб давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ислоҳ қилиш бир неча босқичларда амалга ошириб келинмоқда, жумладан дастлаб БҲМСлар (Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари) ишлаб чиқилди, солиқ тизими билан бухгалтерия ҳисобининг мувофиқлиги таъминланди, МҲХСга (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) ўтиш жараёни бошланди ва молиявий ҳисоб тизимини яратиш, МҲХСга ўтиш тизимини такомиллаштириш, молиявий ҳисоботлар сифатини ошириш ва унинг базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаолият юритаётган турли корхона ва ташкилотлар томонидан ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бухгалтерия ахборотини тайёрлашда халқаро стандартларга таянмоқда. Жаҳон амалиётида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти сифатида икки эталон, яъни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – МҲХС (IFRS - International Financial Reporting Standards) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – БҲУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP) тан олинган бўлиб, турли юридикциялар, ташкилотлар ва компаниялар томонидан ўз молиявий ҳисоботларни тузишда ушбу эталон қоидаларига амал қилмоқда. Бу эса Республикаimizдаги мавжуд молиявий ҳисоботлар шакллари, хусусан бухгалтерия балансини халқаро стандартларга мос шакллантириш ва тақдим этишни тақозо этади.

### Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотлар натижасида бухгалтерия баланси бўйича маҳаллий ҳамда узоқ хориждаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда берилган турли таърифлар ва ёндошувларга тўхталиб ўтилади. Жумладан, Каримов ва бошқалар (2005) эса илмий асарларида баланснинг мазмуни, тузилиши ва хўжалик муомалалари таъсирида балансда юз берадиган ўзгаришлар (актив/пассив таркиби) ўқув-услугий тарзида кенг тушунтириб берилган”. Яна бир иқтисодчи олим Рахимов (2025) илмий асарларида балансга иқтисодий таҳлил нуқтаи назардан ёндошилган: “у балансни ликвидлиги ва тўловга лаёқат масалалари орқали баланс (активлар/мажбуриятлар таркиби) корхонанинг қисқа ва узоқ муддатли молиявий барқарорлигини баҳолашда методологик асос бўлиши ёритиб берилган”. Аманованинг (2022) фикрига кўра: “ бухгалтерия баланси корхонанинг молиявий ҳолатини акс

этирувчи асосий ҳисобот шакли бўлиб, унда активлар ва уларнинг манбалари (капитал ва мажбуриятлар) тизимли кўринишда жамланади, амалиётда у миллий стандартлар билан ҳам боғлаб ёритилади”. Хашимов (2020) томонидан эса қуйидаги фикр билдириб ўтилган: “баланс - ҳисобот даври маълум санасида тузиладиган молиявий кўрсаткичлар тизими сифатида акс этирилади ва унда ҳўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари умумлаштириб берилади”.

Ташназаровнинг фикрича: “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (Бухгалтерия баланси) – бу молиявий ҳисоботнинг асосий компоненти бўлиб, ҳисобот даврининг охиридаги вақт momentiда компаниянинг молиявий ҳолати, яъни унинг активлари, мажбуриятлари ва хусусий капиталининг таснифланган таркиблари бўйича ҳолатини ва ҳисобот даврида ўзгаришини тавсифловчи ҳамда тизимли равишда асосан ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларга компаниянинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва унга доир қарорларни қабул қилиш учун тақдим қилинадиган ахборотларнинг стандартлашган тизимидир.” (БҲҲС, 2022).

Каюмов ва бошқаларнинг (2005) фикрига кўра, “бухгалтерия баланси корхона мулки, мажбуриятлари ва ҳисоб-китоблар ҳолатини ҳужжатлар асосида узлуксиз акс этириш ғояси билан боғланиб, баланс тузиш жараёни молиявий ҳисобнинг якуний босқичларидан бири сифатида изоҳланади”.

Бухгалтерия балансига молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида умумий жиҳатдан ёндошилганини кўришимиз мумкин. Халқаро стандартларда бухгалтерия баланси сўзи молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот номи билан кенг ёритиб берилган ҳамда молиявий ҳисоботларнинг умумий тўплами сифатида алоҳида қайд этиб ўтилади. Стандартга кўра: “Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот (“молиявий ҳисобот” деб аталади)–бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир” (БҲҲС, 2022).

“Бухгалтерия баланси (французча баланс, лотинча биланх “тарози” - “икки тортиш паласига эга”) бухгалтерия ҳисоботининг муҳим қисмлардан бири бўлиб, халқаро молиявий ҳисобот қоидаларига мувофиқ бухгалтерия балансида активлар, мажбуриятлар ва ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар мавжуд” (Kieso, 2018).

Дусмуродов (2020) балансни “усул” сифатида классик тарзида таърифлаган, унинг фикрича: баланс - активларнинг таркиби, жойланиши, ҳаракати ва уларнинг вужудга келиш манбалари ҳамда мақсадли тайинланишидаги ўзгаришларни маълум бир санага қиймат ифодасида умумлаштириб кўрсатиш усули ҳисобланади. Балансда актив ва пассив доим тенг бўлиши кераклиги, активда маблағларнинг жойланиши ва ишлатилиши, пассивда эса ташкил топиш манбалари бўйича гуруҳланиши таъкидланади.

Ўразов (2014) эса: “Баланс” сўзи фақат “тенглик” эмас, балки амалиётда давлат аҳамиятига молик муҳим бухгалтерия ҳужжати сифатида ҳам талқин этилган. Республикамизда бухгалтерия баланси ҳўжалик юритувчи субъектлар тузадиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми экани қайд этилади.

Очилов эса: балансни молиявий ҳисобот тизимидаги ўрни ва аҳамияти сифатида фикрларни баён этади. Қонунга мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот шаклларида “бухгалтерия баланси — 1-шакл” сифатида берилиши аниқ ёзилган. Шунингдек, “баланс маълум бир санага тузилади, қолган ҳисоботлар эса давр учун тузилади” деган мантиқ ҳам тушунтирилади. Молиявий ҳисобот фойдаланувчига ресурслар (активлар), мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар ҳақида ахборот бериши кераклиги кўрсатилади (баланс айнан шу “ҳолат” қисмини беради) (БҲМС, 2017). Яна бир иқтисодий манбаларда эса: “Бухгалтерия баланси - бу компаниянинг активлари ва мажбуриятларининг қиймати тўғрисидаги маълумотларнинг қисқача мазмуни. У маълум бир санадаги барча ҳисобларнинг ҳолатини кўрсатади” (Дусмуродов, 2020).

Халқаро амалиётга кўра: “баланс (statement of financial position, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот) маълум санада активлар, мажбуриятлар ва капитални кўрсатади, шунингдек, ресурслар ва мажбуриятлар ҳақида маълумотларни ифодалайди ҳамда корхонанинг келгусидаги пул оқимларини баҳолашга ёрдам беради” (Дусмуродов, 2020). Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра: “балансда молиявий ҳолатни ўлчашга бевосита боғлиқ элементлар активлар, мажбуриятлар ва капитал экани таъкидланади (халқаро статистик ҳамда аналитик ёндашувларга асосланади) (IMF, 2006). Яна бир халқаро манбаларга кўра: “молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (statement of financial position)” учун асосий элементлар (актив, мажбурият, капитал) ва уларнинг таърифи ва мезони молиявий ҳисоботни тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги тушунтириб берилган (АССА, 2018).

“Баланснинг мақсади - активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларнинг моҳиятини ҳамда уларни балансда тақдим этишни белгилашдан иборат. Баланс молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, субъектининг мулкӣ ва молиявий ҳолати ҳақида маълумотни жамлайди ва очиб беради. Балансда кўрсаткичлар маълумотларни таққослаш мақсадида, ҳисобот даврининг бошида ва охирида албатта берилиши керак. Активлар ва мажбуриятларни “ўзаро ҳисоблаш” (offset) яъни салдолаштириш мумкин эмаслиги ҳам алоҳида қоида сифатида кўйилган (яъни бирини иккинчиси билан “ёпиб”, яшириб кўрсатиш таъқиқланади)” (БҲМС, 2017).

Яна бир хорижий манбалардаги ёндошувга аҳамият бериладиган бўлса, уларда балансни “қурилиш логикаси” билан тушунтиради: яъни “Statement of financial position” (баланс) ва “financial performance” ҳисоботлари тан олиш (recognition) орқали боғланади, бунда активлар, мажбуриятлар ва капитал элементлари молиявий ҳисоботнинг “фундаменти” сифатида баҳоланади. Шунингдек, ҳисобот даври бошида ва охирида “активлар – мажбуриятлар = капитал” тенглиги концептуал боғловчи сифатида бериледи. “Тан олиш” фақат элемент таърифига мос келадиган моддаларгагина рухсат беришини ҳам ифодаланади, бунда балансга “активга ўхшаб кўринадиган”, лекин актив бўлмаган нарсани киритиш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланади. Шунингдек, 1-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” номли халқаро стандартда (БҲХС 1) ҳам аккруаллик асосида ҳисобот тузилганда элементлар — активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажат сифатида тан олиниши таъкидлаб ўтилади, натижада уларнинг дастлабки учта элементи айнан балансга тегишли эканлиги кўрсатиб ўтилади.

АҚШ концептуал тизими балансни элементлар орқали асослайди: унга кўра, молиявий ҳисобот элементлари сифатида активлар, мажбуриятлар ва капитал (assets, liabilities, equity) ва бошқа элементлари ҳам аниқ таърифланади. Натижада компания баланси нималар асосида шаклланишига алоҳида урғу бериледи.

Жаҳонда қўлланилиб келинаётган кичик ва ўрта бизнес учун мўлжалланган халқаро стандартларда (IFRS for SMEs) ҳам бухгалтерия баланси асосий ҳисоботлардан бири сифатида қаралади ва балансга оид ушбу ҳужжатларни қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес учун тўлиқ молиявий ҳисобот тизимини тақдим этишини кўрсатади.

Юқоридаги балансга оид таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодчи олимлар томонидан берилган турли ёндошув ва таърифларда балансни кўпроқ “усул” ва “актив-пассив тенглиги”, маблағлар ва уларни ташкил топиш манбалари сифатида изоҳланган. Балансга оид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда эса (халқаро ва миллий доирада) балансни ҳужжат сифатида “нималарни очиб бериши, қандай тақдим қилиниши, сальдолаш тақиқланиши, ҳисобот даври боши-охири бўйича таққосланиши” каби талаблар билан тартибга солади. Шунингдек, халқаро даражада (IFRS ва FASB)ги концептуал манбаларда эса, балансни “элементлар ва тан олиш” мантиқий нуқтаи назардан асосланади. Яъни: активлар, мажбуриятлар ва капитал элементлари асосида “Активлар = Капитал + Мажбуриятлар ёки Активлар – Мажбуриятлар = Капитал” формуласи амал қилади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва иқтисодчи олимлар томонидан ҳамда

халқаро тажрибани кенг ўрганган ҳолда бухгалтерия балансига қўйидагича муаллифлик таърифи берилди: “Бухгалтерия баланси – бу муайян санага қийматда ифодаланган ва маблағларининг турлари, ташкил топиш манбалари, мажбуриятлари бўйича иқтисодий гуруҳлаштириш асосида умумлаштириб кўрсатиш усулидир”.

Бизнинг фикримизча, баланс формуласини қўйидагича кенгроқ маънода ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Активлар + харажатлар = Капитал + мажбуриятлар = даромадлар

Ушбу формула нафақат бухгалтерия балансини, балки молиявий натижаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, иккинчи бир томондан корхонанинг синов (тўлиқ шакллланган) балансини ўзида ифодалайди.

### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида бухгалтерия баланси тушунчаси, унинг моҳияти, зарурияти ва аҳамияти, уни шакллантириш, балансни тузишга қўйилган асосий талаблар ва қоидалар, шунингдек иқтисодчи олимларнинг назарий ёндошувлари кенг ўрганилди. Шунингдек, балансни тузиш услубиёти, моддаларини шакллантириш, баланс моддаларини баҳолаш ҳамда ёзувларни амалга ошириш ва иқтисодий таҳлилнинг гуруҳлаштириш, таққослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил қилиш, балансни динамик ва горизонтал таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2025 йил 15 сентябрдаги 282-сонли “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан республикада молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишга мутлақо янгича ёндошувлар ва хорижий тажрибаларга асосланган услубиётни шакллантириш масаласи қўйилди. Шу муносабат билан молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби бўйича амалдаги бир қатор меъёрий ҳужжатларга хорижий талаблар асосида қайта кўриб чиқиш, тегишли ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритиш зарурий шартга айланди. Корхоналарда молиявий ҳисоботнинг муҳим шаклларида бири бўлган бухгалтерия балансини тузиш тамойиллари, унга қўйиладиган талаблар ва унинг қоидалари тегишли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида айнан балансга тегишли бўлган элементлар эътироф этилган: “Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир”. (Қонун, 2016) Шунингдек, мазкур қонуннинг 22 дан 27 бандигача айнан балансни молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми сифатида консолидациялаш, ҳисобот даври, ҳисоботларни тақдим этиш ва уларни эълон қилиш, тугатиш даврида молиявий ҳисоботлар ҳақида қоидаларни ўз ичига олади.

“Бухгалтерия баланси” деб номланган 15-сонли БҲМС да эса, қўйидаги жумлаларни кўриш мумкин; “Мазкур стандартнинг мақсади бухгалтерия балансида активлар, ўз сармояси ва мажбуриятларнинг моҳияти ва тақдим этилишини белгилаш ҳисобланади. Стандарт молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми сифатида бухгалтерия балансини топшириш чоғида ошкор қилинадиган ахборотга қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Ушбу талаблар бошқа стандартларда мавжуд бўлган ҳамда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос муаммоларини қамраб оладиган ошкор қилиш талабларига мувофиқ тўлдирилиши мумкин. Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни тўплайди ҳамда ошкор қилади.

## Бухгалтерия баланси услубиёти бўйича меъёрий ҳужжатлар

№	Ҳужжат номи	Ифодаланиши
<i>Миллий даражада:</i>		
1.	Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун” (2016 й. 13 апрел. ЎРҚ-404)	22-модда. Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир. Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия баланси; молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот; пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот; хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот; изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.
2.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (2020й. 01.01.).	II. Бўлим. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботлари. 7-8 боблар. XII. Бўлим. Фойда солиғи. 42-44 боблар.
3.	1-сонли БҲМС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сийёсати” (АВ 06.08.2024 й. 3544-сон)	1-3 моддалар. “Ташкилотнинг бухгалтерия баланси унинг ресурсларини ва молиявий таркибини тушунишга имконият бериши учун ҳисобот вақтидаги молиявий ҳолатини акс эттириши керак. Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, ташкилотнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотларни ўзида акс эттиради” деб ифодаланган.
4.	“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. [Ўз Рес АВ 2024 йил 4 ноябрь, рўйхат рақами 3567].	8-модда. Молиявий ҳисоботларнинг мазмуни ва таркиби БҲМС ҳамда МҲХСга асосан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг шаклларида белгиланади. 9-модда. БҲМСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади: мазкур Низомнинг <u>1-иловасига</u> мувофиқ бухгалтерия баланси; мазкур Низомнинг <u>2-иловасига</u> мувофиқ молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот; мазкур Низомнинг <u>3-иловасига</u> мувофиқ хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот; мазкур Низомнинг <u>4-иловасига</u> мувофиқ пул оқимлари тўғрисида ҳисобот; изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар).
5.	15-сон БҲМС “Бухгалтерия баланси” (2025 й 01.01 ҳолатига)	1-банд. Мазкур стандартнинг мақсади бухгалтерия балансида активлар, ўз сармояси ва мажбуриятларнинг моҳияти ва тақдим этилишини белгилаш ҳисобланади. Стандарт молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми сифатида бухгалтерия балансини топшириш чоғида ошкор қилинадиган ахборотга қўйиладиган талабларни ўз ичига олади. Ушбу талаблар бошқа стандартларда мавжуд бўлган ҳамда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос муаммоларини қамраб оладиган ошкор қилиш талабларига мувофиқ тўлдирилиши мумкин. 2-банд. Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, хўжалик юритувчи субъектнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотни тўплайди ҳамда ошкор қилади. 3-банд. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно) бухгалтерия балансини тайёрлаш ва ошкор қилиш жараёнида мазкур стандарт талаблари бажарилиши лозим
<i>Халқаро даражада:</i>		
1.	1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”. Расмий таржима 2022 й.	Стандарт мақсадга эришиш учун, ташкилотнинг молиявий ҳисоботи қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади: (а) активлар; (б) мажбуриятлар; (в) хусусий капитал; (г) даромад ва харажатлар, шу жумладан фойда ва зарарлар; (д) мулкдорлар томонидан уларнинг мулкдор сифатида амал қилишидаги қўйилмалар ва уларга мулкдор сифатида амал қилишидаги тақсимланадиган суммалар; ва (е) пул маблағлари ҳаракати.
2.	“Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” БҲХС кенгаши томонидан 2010 йил сентябрда эълон қилинган. У 2018 йил	3.2-банд. Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот берувчи ташкилотнинг келгуси соф пул маблағлари кирими бўйича истиқболни баҳолашда ва ташкилот раҳбариятининг унинг иқтисодий ресурсларини масъулиятли бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда фойдали бўладиган ҳисобот берувчи ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этишдан иборатдир

март ойида қайта кўриб чиқилган.
----------------------------------

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно) бухгалтерия балансини тайёрлаш ва ошкор қилиш жараёнида мазкур стандарт талаблари бажарилиши лозим”.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштирилган 1-сон БҲМСда “Ташкилотнинг бухгалтерия баланси унинг ресурсларини ва молиявий таркибини тушунишга имконият бериши учун ҳисобот вақтидаги молиявий ҳолатини акс эттириши керак. Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, ташкилотнинг мулкӣ ва молиявий аҳволи ҳақидаги ахборотларни ўзида акс эттиради” деб ифодаланган.

Халқаро ва миллий даражадаги меъёрий ҳужжатларда бухгалтерия балансига берилган таъриф ва изоҳларда ягона бўлган талаб, яъни корхонанинг активлари, мажбуриятлари ва капитали тўғрисидаги маълумотларни ҳаққоний ва тўлиқ тақдим этишга қаратилади.

**2-жадвал**

**Халқаро стандартларда молиявий ҳисоботларнинг таркибий тузилиши**

МҲХС (IFRS)	АҚШ (USGAAP)	Германия	Қозоғистон	Ўзбекистон
Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Баланс (Balance Sheet)	Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия баланси;
Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (Income Statement)	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот	Пул маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (Cash Flow Statement)	Капитал ўзгаришлари тўғрисидаги ҳисобот	Пул маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот
Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот (Equity Statement)	Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
Ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар;	Изоҳлар	Бошқарув ҳисобот	Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот;	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар
Таққослама маълумотлар	-	Изоҳлар	Тушинтириш хатлари ва изоҳлар	-

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда балансни тузишда қуйидаги талаблар белгилаб берилади, жумладан:

Аниқлик ва тўлиқлик: Бу қоидага кўра баланс маълумотлари мажбурий инвентаризация натижалари билан тасдиқланиши керак;

Тенглик (баланс тенглиги): Балансинг жами активлари унинг жами пасивларига тенг бўлиши назарда тутилган, яъни “Активлар = Хусусий капитал + Мажбуриятлар” формуласи амал қилади;

Пул бирлигида (қиймат кўрсаткичида) ифодалаш: Балансинг барча кўрсаткичлари (моддалари) миллий валютада кўрсатилади;

Ҳисобот санаси: Бухгалтерия баланси ҳисобот санасига (одатда 31-декабр ҳолатига) тузилиши лозим;

Таққослаш: Ҳисобот олдинги даврлар (камида икки йил, яъни ҳисобот даври боши ва охири) учун маълумотларни ўз ичига олиши керак;

Тузилиши: Баланс активлардан (узоқ муддатли ва жорий) ва мажбуриятлардан (капитал, узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар) иборат бўлади;

Ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаслиги: Активлар ва мажбуриятлар моддалари, даромадлар ва харажатлар, қоидаларда бошқача кўрсатилмаган бўлса, ўзаро ҳисоб-китоб қилинмасдан батафсил тақдим этилиши назарда тутилади. Қуйидаги жадвалда халқаро меърий ҳужжатларда молиявий ҳисоботларнинг таркибий (жумладан бухгалтерия баланси) қисмлари келтириб ўтилган.

**3-жадвал**

**Молиявий ҳисобот таркибини халқаро стандартлар бўйича таққослаш бўйича маълумотлар**

Корхоналар томонидан миллий ва халқаро талаблар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар таркиби			Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС, IFRS)
БҲМС бўйича	МҲХС бўйича	Микрофирмалар бўйича	
Бухгалтерия баланси;	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Бухгалтерия баланси;	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот
Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;	Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;	Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот
Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;	Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот	-	Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот
Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;	Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	-	Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот
Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар).	Ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар)	-	Ҳисоб сиёсати ва бошқа тушунтириш маълумотларидан иборат изоҳлар

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики молиявий ҳисоботларнинг халқаро даражадаги таркиби дерли бир-бирига яқин ўхшаш ва ўзаро боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Ҳар бирида бухгалтерия баланси асосий ҳисобот шакли сифатида намоён бўлмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисоботларнинг шакллари МҲХС

бўйича алоҳида таққослаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Чунки, бизнинг мақсадимиз ҳам халқаро стандартларга ўтиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш услубиётини мувофиқлаштиришдан иборат. Шу мақсадда БҲМС ва МҲХС бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этадиган корхоналардаги молиявий ҳисобот шакллари халқаро стандартлар билан ўзаро қиёсий маълумоти қуйидаги жадвалда келтириб ўтилди.

Баланс ёрдамида корхона ва ташкилотларнинг ўзига тааллуқли маблағлари, қарзга олинган маблағлари, вақтинчалик фойдаланишга олинган маблағлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш мумкин, иккинчидан маблағлар ҳолатини назорат қилиш имкониятини берса, учинчидан маблағ турларини ўрганиш учун асос ҳисобланади.

Бухгалтерия балансини тузиш, унда иқтисодий маълумотларни умумлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланади ва тартибга солинади. Бухгалтерия балансида корхона ва ташкилотларнинг маблағлари жойланиши ва ташкил топиш манбалари бўйича тартибга солинади. Бухгалтерия баланси ёрдамида корхона ва ташкилотлар тасарруфида бўлган маблағлар ҳаракати икки жиҳат билан, яъни маблағларни жойланиши ва уларни ташкил топиш манбалари билан таққосланган ҳолда ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида балансни молиявий ҳисоботларнинг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида қайд этиб ўтилади: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир. Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар”.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сонли буйруғига асосан “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Мазкур низомга асосан молиявий ҳисоботларнинг мазмуни ва таркиби БҲМС ҳамда МҲХСга асосан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг шаклларида белгиланди. Натижада, 2025 йил 1 январидан бошлаб корхоналарда БҲМСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ҳамда изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар (молиявий ҳисоботга изоҳлар).

МҲХС бўйича молиявий ҳисобот топширадиган корхоналар учун ҳам ҳисобот шакллари келтириб ўтилган. Айнан биз тадқиқ этаётган “Бухгалтерия баланси” шакли халқаро атамага мос ҳолатда “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” номи билан ифодаланади. Ушбу ҳисобот шакли балансга нисбатан анча кенгроқ маълумотларни олиш ҳамда халқаро талабларга янада яқинлашиш имкониятини беради. Лекин масалани бошқа бир томони шундаки, халқаро амалиётда тузилаётган бухгалтерия баланси (Balance sheet) ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги (“statement of financial position”) ҳисоботларда уларнинг актив томони жорий активлар (айланма активлар) бўйича шакллантирилади.

Бизнинг амалиётда бу бўлимларнинг номи “Узоқ муддатли активлар” номи билан бошланган. Агар молиявий ҳисобот шаклларини, жумладан бухгалтерия баланси шаклини халқаро стандартларга янада мувофиқлаштириш керак бўлса, бизнинг фикримизча балансни узоқ муддатли активлардан эмас, балки жорий (қисқа) муддатли активлар билан ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бу эса жаҳон ҳамжамияти ва турли компаниялар билан ўзаро интеграциялашув, глобаллашув жараёнини янада

мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Натижада биз олиб борган тадқиқотлар натижасида қуйидаги таққослама жадвал асосида баланс шаклини таркибий тузилишига таклифлар берилди.

## 4-жадвал

## Халқаро стандартлар талаблари асосида балансга киритилаётган ўзгартиришлар

БҲМС га асосланган баланс	МҲХСга асосан таклиф
Узоқ муддатли активлар	Жорий активлар
Жорий активлар	Узоқ муддатли активлар
Ўз маблағларини ташкил топиш манбалари	Мажбуриятлар
Мажбуриятлар	Хусусий капитал
Баланс жами:	Баланс жами:

Таклиф этилаётган ушбу шаклга кўра, баланснинг актив томони жорий активлардан бошланиши мақсадга мувофиқдир, бунда ҳар қандай маблағлар аввало уларни ликвидлик бўлишини таъминлашга қаратилади. Корхона балансини таҳлил қилиш ва унга баҳо беришда баланснинг ликвидлик ва тўлов қобилияти ўрганилади. Тўғри, бу амалиёт биз учун янгилик бўлмасида, корхоналар учун муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бундай тартиб бугунги кунда халқаро стандарт қоидаларига кўра (МҲХС 1, “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” 2027 йил 1 январдан кучга киритилиши кўзда тутилган) активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажат тўғрисида маълумотларни ошкор этишга қаратилади. Шу сабабли, биз таклиф этаётган баланснинг тузилиши амалий жиҳатдан халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мумкин бўлади.

Фикримизча БҲМС асосидаги бухгалтерия балансини МҲХС талабларига мувофиқлаштирилса, у қуйидаги кўринишга эга бўлади.

## 5-жадвал

## Халқаро талаблар асосидаги бухгалтерия балансини тузилиши

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ					
Актив	Сатр рақами	Сумма	Пассив	Сатр рақами	Сумма
I. Жорий активлар	010-190	2174931515	I. Мажбурият	310-450	192421872
Товар-моддий заҳиралар	020-080	458403	Жорий мажбурият	320-400	142812802
Дебиторлар	090-130	1581618094	Тўланадиган сётлар	330-340	1372391
Пул маблағлари	140-190	29308211	Бошқа кредиторлик қарзлар	350-400	141440411
II. Узоқ муддатли активлар	200-300	4160862300	Узоқ муддатли Мажбурият	410-450	49609070
Асосий воситалар	210-220	104308067	Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	420-430	23998776
Номоддий активлар	230-240	30507	Бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар	440-450	25610294
Узоқ муддатли инвестиция	250-260	3178921297	II. Ўз маблағлари манбалари	460-490	6142816364
Капитал қўйилмалар	270-280	-	Устав капитали	470	1822920959
Узоқ муддатли дебиторлар	290	796226399	Хусусий капиталнинг бошқа компонентлари	480-490	4319895405
Жами активлар	300	6335238236	Жами пассивлар	500	6335238236

**Манба:** тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Демак, бухгалтерия балансининг халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, баланс моддалари ликвидлик бўйича шакллантирилган ва уларни таҳлил қилиш асосида баҳолаш имкониятини беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни уни тақдим этиш услубиётини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича қуйидаги илмий хулосалар берилди:

1. Молиявий ҳисоботлар, хусусан бухгалтерия баланси корхонанинг нафақат активлари, капитали ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ўзида намоён этади, балки, ушбу кўрсаткичлар асосида молиявий ҳолатини баҳолаш имкониятини яратади.

2. Корхоналарда бухгалтерия балансининг актив томони жорий активлардан бошланиши, содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларнинг (бухгалтерия муомалалари) асосий қисми бўлган маълумотлар ҳақида тўлиқ ва ишончли бўлган умумлаштирилган ахборотларни шаклланишига олиб келади;

3. Корхона балансининг пассив томонини мажбуриятлар бўлими бўйича акс этирилиши эса, актив томондаги ликвид активлар билан ўзаро мувофиқлигини таъминлайди ва ўзаро боғлиқ жиҳатларини назорат қилиш имкониятини беради.

4. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштирилаётган бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчи потенциал инвесторларни корхона активлари билан бирга, уларни ташкил топиш манбалари, яъни хусусий капитали ҳамда потенциал мажбуриятлар бўйича ахборотларни тўлиқ шакллантириш имкониятини беради, ўз навбатида балансининг узоқ муддатли активлар бўлими билан боғлиқлигини ифодалайди.

5. Бухгалтерия балансининг узоқ муддатли активлари билан унинг хусусий капитали ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва улардан фойдаланиш муддатларини бир ҳиллигини ҳам таъминлаш имкониятини беради. Натижада, корхона ҳар доим ҳам узоқ муддатли активлар ёки хусусий капиталга мурожаат қила олмайди, яъни кунлик иқтисодий ҳодисаларда асосан айланма активлар ва мажбуриятларни ҳам тўғри ва ишончли бўлишига эътибор қаратилади.

6. Корхонанинг баланси ахборотларни ошкор этувчи корхонанинг айланма маблағлари, унга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари ва мазкур маблағлар ва талаб қилиш ҳуқуқларининг ўзгаришига олиб келадиган муомалаларнинг ҳамда бошқа ҳодисалар ва ҳолатларнинг таъсирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини беради.

### **Адабиётлар /Литература/References:**

ACCA (2011) IASB Conceptual Framework бўйича шарҳ материаллари. Available at: [https://www.accaglobal.com/content/dam/acca/global/PDF-mar11\\_f7p2.pdf](https://www.accaglobal.com/content/dam/acca/global/PDF-mar11_f7p2.pdf)

International Monetary Fund (2006) Financial soundness indicators guide, Chapter 4. Available at: <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fsi/guide/2006/pdf/chp4.pdf>

Kieso, D., Weygandt, J. and Warfield, T. (n.d.) Intermediate Accounting (IFRS). Available at: <https://ro.scribd.com/presentation/331106460/ch05>

Аманова, С. (2022) Глобал дунёда илм-фан ва таълимдаги инновацион ривожланишнинг замонавий трендлари. Available at: <https://inlibrary.uz/index.php/development-science-education/article/download/17436/18128>

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) (2002) Бухгалтерия баланси, 15-сон стандарт. Available at: <https://www.lex.uz/docs/318302>

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (2022) БҲХС 1-сон: Молиявий ҳисоботни тақдим этиш. Расмий таржима.

Дусмуратов, Р.Д. (2020) Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Тошкент. Available at: <https://turan-edu.uz/media/books/2024/05/22/1716363281.pdf>

Каримов, А.А. ва бошқ. (2005) Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик. Available at: [https://turan-edu.uz/media/books/2024/05/22/1716202526\\_1.pdf](https://turan-edu.uz/media/books/2024/05/22/1716202526_1.pdf)

Каюмов, И. ва бошқ. (2005) Бухгалтерия ҳисоби: Ўқув қўлланма. Available at: <https://ari.ziyounet.uz/uploads/books/652/5b0ba681b7357.pdf>

Рахимов, М.Ю. (2025) Молиявий таҳлилнинг муаммоли жиҳатлари. *International Finance & Accounting*, (6). ISSN: 2181-1016.

Рахимов, М.Ю. ва Қаландарова, Н.Н. (2019) Молиявий таҳлил. Тошкент: Иқтисод-молия.

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2020) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, 4611-сон қарор, 24 февраль. Available at: <https://lex.uz/docs/4746047>

Ўразов, К. (2014) Бухгалтерия ҳисоби ва аудит: Ўқув қўлланма. Самарқанд. Available at: [https://kitob.sies.uz/frontend/web/kitob/kitob\\_005f76da4adc73a.pdf](https://kitob.sies.uz/frontend/web/kitob/kitob_005f76da4adc73a.pdf)

Хошимов, Б. (n.d.) Бухгалтерия ҳисоби назарияси: Дарслик. Available at: <https://portal.guldu.uz/download-edfiles-18757.pdf>